

«ТАСДИҚЛАНГАН»

"Самаркандкимё" акциядорлик
жамиятининг акциядорлар умумий
йиғилишининг 2016 йил 16-август
76-сонли баённомаси.

**«Самаркандкимё» акциядорлик жамиятининг
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида
Н И З О М
(янги тахрирда)**

Председатель общего собрания акционеров имеет полномочия разрешения санкционирования аудио- и видеозаписи и трансляции общего собрания акционеров в сети интернет

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом "Самаркандкимё" акциядорлик жамиятси (кейинги ўринларда - Жамият) акциядорлари умумий йиғилишининг мақоми, ваколат доираси, тайёрлаш тартиби ва муддати, уни чақириш ва ўтказишни белгилаб беради.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) ва жамият Устави асосида ишлаб чиқилган.

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият Уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар ҳал этилади:

Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида;

Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

зарур ҳолларда қонун ҳужжатларига ёки Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган бошқа масалалар.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади, акциядор (акциядорлар)нинг ташаббусига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳоллари бундан мустасно.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТ ДОИРАСИ ВА ҚАРОРЛАРИ

8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташқил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни чиқариш ҳисобига кўпайтириш;

Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташқилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

йиллик ҳисоботни тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар томонидан уларни имтиёзли олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошка масалаларни ҳал этиш.

9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда, Жамият Уставида ва ушбу Низомда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида Жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

13. Қуйида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташқил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш.

14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас. Агар бирор бир сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масала бўйича қарор қабул қилинмаса, у холда ушбу масалани кўриб чиқмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор қилинади.

16. Агар акциядор узрли сабабга кўра Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

III. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ.

17. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга булади.

Умумий йиғилишда Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият аудитори, шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачилар ва таклиф этилган шахслар қатнашиши мумкин.

Кузатув кенгаши ва Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодларни кўриб чиқишда, кўрсатиб ўтилган шахсларни ҳам таклиф этиш тавсия этилади.

18. Жамият акциядорларининг реестрига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилишига йўл кўйилмайди, мазкўр реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл кўйилган ҳатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

19. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вақили орқали амалга оширилади.

20. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги уз вақилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

21. Акциядорнинг вақили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вақил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

22. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вақили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

23. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вақиллари акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари зарур.

24. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач, амалга оширилади.

25. Жамият акциядори бўлган юридик шахс раҳбари акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ, ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.

26. Акциядор юридик шахснинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

27. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларни рўйхатга олиш учун қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим, қайд этиш рўйхати бир варақдан кўп бўлиши ҳолларида эса тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

28. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва бюллетенлар тўпламини оладилар.

29. Агар акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетень берилади, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «_____ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича « _____ » да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

30. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Жамиятнинг **Кузатув кенгаши** ёки Конунга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга шахслар қуйидагиларни белгилайди:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

31. Аник масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

32. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

34. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:
Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;
умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга такдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

35. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга такдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга):

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

Жамиятнинг йиллик молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташқилотининг хулосаси;

Жамият Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси ,аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси, ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради.

V. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР

36. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар Жамият Уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган булса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Конунда ва Жамият Уставида белгиланган муддатда акциядорлар томонидан Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги таклифлар келиб тушмаган тақдирда, Кузатув кенгаши мустақил равишда Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар рўйхатини белгилашга ҳақли.

37. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли. Бунда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни қайта эълон қилиш талаб этилмайди. Бундай ҳолларда номзодлар таркибига ўзгартириш киритиш Кузатув кенгашининг овоз бериш бюллетени тасдиқланадиган қарори билан амалга оширилади.

38. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала, уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

39. Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар 5 номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

40. Жамият Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 36-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг, ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор)

томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги холлар бундан мустасно:

ушбу Низомнинг 36-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу Низомнинг 36-бандида назарда тутилган микдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу Низомнинг 38-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

41. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф такдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

42. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

43. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра:

унинг ўз ташаббуси асосида;

Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;

ёзма талаб такдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

44. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб такдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

45. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак булган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган холда таърифланган бўлиши керак.

46. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

47. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

48. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

49. Жамиятнинг тафтиш комиссияси, ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб такдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

50. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор куйидаги холларда қабул қилиниши мумкин, агар:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Конун талабларига мувофиқ бўлмаса.

51. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

52. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

53. Жамият Кузатув кенгаши ўн кун муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай холларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

54. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Қонунга мувофиқ шундай ҳуқуққа эга акциядор (акциядорлар) томонидан чақирилаётган тақдирда, акциядор (акциядорлар) ўз қарорини ёзма шаклда расмийлаштиради. Қарорда акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), акциядорнинг ваколатли мансабдор шахси (юрidik шахслар учун), акциядорга тегишли овоз берувчи акцияларнинг сони кўрсатилиши зарур. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган масалалар белгиланади. Бундай холларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядор (акциядорлар) томонидан ушбу Низомнинг IV бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда:

Жамиятнинг расмий веб-сайтида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарни жойлаштириш Бошқарув томонидан акциядор (акциядорлар)нинг хабар жойлаштириш тўғрисидаги ёзма талаби асосида амалга оширилади;

Жамият акциялари эгалари реестрини шакллантириш топшириқномаси Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсида бевосита акциядор (акциядорлар) томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (депо ҳисобварағининг кўчирмаси, зарур ахборотга эга акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси, Жамият Кузатув кенгашига йиғилиш чақириш тўғрисида юборилган мурожаатнома нусхаси, Жамият Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш чақиришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномаси) тақдим этилган ҳолда расмийлаштирилади.

VII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

55. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга булган акциядорлар (уларнинг вақиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

56. Агар имтиёзли акциялар кун тартибининг факат битта ёки бир нечта масалалари бўйича овоз берса, йиғилиш кворуми такдим этилган оддий акциялар сонига караб белгиланади, кўрсатилган масалалар бўйича овозларни санаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

57. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

58. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вақиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

59. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомнинг 33-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

60. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИВИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

61. Қуйидагилар акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари ҳисобланади: Раис (Раёсат), санок комиссияси, котиб.

62. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, қуйидаги тартибдаги шахслар: Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири, Бошқарув раиси, Бошқарув аъзоси ёки йиғилишни чакирган шахс олиб боради.

63. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши Раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

64. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, акциядорларнинг умумий йиғилиши ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

65. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

66. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

67. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

68. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан факат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда

тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

69. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан ушбу Низомнинг 67- бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

70. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш пайтида Санок комиссиясининг бир ёки бир неча аъзоси ҳозир бўлмаганлиги ҳолларида, Жамият Кузатув кенгаши тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) умумий йиғилиши томонидан кейинчалик тасдиқлаш йули билан Санок комиссиясини тузади.

71. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Санок комиссияси Кузатув кенгашининг (ёки йиғилишни чакираётган шахсларнинг) топширигига кўра қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни кайд этиш рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва акциядорлар умумий йиғилишининг бошқа материалларини тайёрлайди.

72. Акциядорлар умумий йиғилишида Санок комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вақилларини) рўйхатдан ўтказиш;

ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

овоз бериш бюллетенларини беради ва берилган бюллетенларнинг ҳисобини юритади, шунингдек акциядорларга Умумий йиғилишнинг бошқа ахборот(материаллар)ини беради.

73. Санок комиссияси:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вақиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

овоз га қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;

овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;

овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;

овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади.

IX. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

74. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламенти) ушбу Низомга мувофиқ акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида тасдиқланади.

75. Кузатув кенгаши раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири, Бошқарув раиси, Бошқарув аъзоси ёки йиғилишни чакирган шахс) акциядорлар умумий йиғилишининг раиси (Раёсати)ни ва Котибини сайлашни ва Санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлашни тақлиф этади.

76. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби **йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, маърузалар ва танаффуслар канча давом этиши, кун тартибидаги масалаларининг давомийлигини, кун тартиби**

масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутди.

77. Йиғилиш давомида юзага келувчи кундалик масалаларни раис муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, яккабошчилик билан ҳал этади.

78. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар акциядорларнинг умумий йиғилиши котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма буюртма берадилар.

79. Кун тартибининг барча масалалари кўриб чиқилгандан, қарорлар қабул қилингандан ва Санок комиссияси овоз бериш натижаларини эълон қилгандан кейин Раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

Х. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

80. Акциядорларнинг умумий йиғилиши котиби номзодини Жамият Кузатув кенгаши киритади.

81. Акциядорларнинг умумий йиғилиши котиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

82. Акциядорларнинг умумий йиғилиши котиби:

Акциядорлар умумий йиғилишининг бориши баёнини юритади;

ёзма буюртмалар бўйича йиғилиш кун тартибидаги масалалар муҳокамасида қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузади.

83. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

Умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;

маърузаларнинг асосий коидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилади.

84. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилишининг раиси ва котиби томонидан имзоланади.

85. Санок комиссиясининг баённомаси йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига тикиб қўйилиши зарур.

86. Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин Санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан Умумий йиғилишнинг кайд этиш рўйхатини, Санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган ва муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомаларни ва акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини сақлаш учун Жамият архивига топширади.

87. Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси имзоланган куни Жамият Бошқарувига ижро этиш учун топширилади.

88. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда назарда тутилган тартиб ва муддатларда акциядорлар эътиборига етказилади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

89. Жамият Бошқаруви ва Кузатув кенгаши ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларни бажаришни ташқил қилади, Умумий йиғилиш қарори ва баённомасида ўзгача ҳолат кайд этилганлиги ҳоллари бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

90. Ушбу Низомнинг талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

91. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

92. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

93. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.